Мен шерикка энг беҳожат Зотман. Кимки бир амал қилса-ю, унда Мен билан бирга Мендан бошқани шерик қилса, ўзини ҳам, ширкини ҳам тарк этаман

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Аллоҳ таоло: «Мен шерикка энг беҳожат Зотман. Кимки бир амал қилса-ю, унда Мен билан бирга Мендан бошқани шерик қилса, ўзини ҳам, ширкини ҳам тарк этаман», деди».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу ҳадиси шарифда Аллоҳ таоло ширкдан энг беҳожат Зот эканини ва У Зот ҳамма нарсадан беҳожатлигини хабар бермоқдалар. Агар инсон ибодатлардан бирини бажарса-ю, уни ҳам Аллоҳ учун, ҳам Аллоҳдан ўзга учун қилса, Аллоҳ таоло уни тарк қилади, ундан амалини қабул қилмайди ва уни ўзига қайтаради. Амални холис Аллоҳ учун қилиш лозимдир. Чунки Аллоҳ таоло фақатгина холис қилинган амални қабул қилур.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3342